ЭСЛАТМА: Биринчи хотинимдан ажрашығач, янғамнинг Шарифа исмли қариндошига ўйландим. Аммо у оила, рўйзор билан иши ўйқ, енгилтабиат аёл экан. Махалла да ҳам хотиним ҳақида гапсўзлар кўпайшиб қолди. Кейин билсам, мен Шарифанинг тўртинчи ёри эканман. Ҳиёнаткор аёл билан яшаш ўйлайдан оғир.

Нигора Йўлдошева

хит, ота ва онанинг илик мөхри керак.

Уларга шундай мухитни, шундай мөхнатни бергувузи, зот, ҳозирча факат сизсиз. Биз-у сиздан мана шу фарзандлар колади. Ҳаётда кўрағимиз, умр бўйи тирноқка зор бўлиб ўтэгтандарни ёки бўлмаса, умрига шерик бўладиган яхши ҳамроҳни умид қилиб яшангларни.

Шошилмант, етти ўлчаб бир кесинг. Фарзандларнинг камолини ўйланг. Ҳали уларга ўз меҳрини аямайдиган ўзбек насиши албатта топилади. Ҳаётда ҳеч иккиманган, бошингизни ҳам килманг. Ўзбек йигити ҳамиша магрур бўлган. Фурур эса инсонни янада улуғор қилиб кўрсатади.

Ҳаётдан мен топдим бир маъно - Яхшиликка яралган одам.

Бошим узра ястанган маъво -

Эзгулиқдан яралган Олам.

Бу оламда яхшилик бисёр,

Ҳар одамга эзгулик чин ёр.

Ҳаётнинг шу мазмуни гўзал...

Умримизнинг ҳар куни гўзал!

Муроджон
Андижон вилояти

Баҳодир ука! У аёл билан орани очиқ кигланингиз яхши бўлубди. Тақдир киймиз-миз, кўпинча ўзимиз хатога йўл кўямыз. Эҳтимол, сизнинг ҳам камчилликарининг ўйқ эмасдир... Лекин, нима бўлгандан ғарзандларни ташаш кўймаганингиз учун раҳмат. Болаларда нима гуноҳ? Улар ҳам бу дунёга чиройли ва баҳтили яшаш учун келишган.

Баҳодир, пушти камарингиздан бўлган болалар - дилбандлар ўзини.

Мастурон, сиз ҳам онанғизни Шаҳобиддиннин насиши ўрнига кўйиб кўринг. У киши ҳам фарзанд ўстириб, вояга етказиб, "сассик кампир" деган сўзни эшитаман деб келин олмаганлар-ку?! Ширин сўзлар ҳам, аччиқ ҳақоратли сўзлар ҳам шу биргина оғиздан чикади. Келинг, сингилжон, фақат ширин-шакар сўзлар бўлсан, инсонлар калбига ором бағишилаб, ҳеч бир инсон дилини оғритмайлик. Бу ўткинчи дунёда ҳеч бир инсоннинг калби озор чекмасин.

Оилан ҳамма нарсадан устун кўйинглар. Фарзандлар дили оғри-масин. Отасиз ёки насиши гўдакларнинг кўзларига бир эътибор беринг, уларда чидағ бўлмас мунгли бир фамини кўрасизлар. Ота-она ўрнини ҳеч ким тўлдира олмайди. Ота мөхри, она мөхри ҳеч нима билан ўтчанмайди.

Гулнора ФАЙЗИЕВА
Карши шаҳри



Биз аксарият бирон дардимизга чора из лаб, кариндошлар, таниш-билишлар маслахатларига кулоқ тутамиз. Айтадилар-ку, табиб — табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, деб. Шунинг учун ҳам ана шу маслахатларга амал килсанк фойдадан холи бўлмайди.




Маддабобошлар НОМА

Хантал ҳамири

Хантал ҳамиридан компресс отит (кулоқ оғриғи) ва учшохли нерв - асад (бош суюги ва мия нервларининг бешинчи жуфти) шамоллашида жуда ёрдам берар экан. **Куруқ** хантал куқунидан (горчица порошоги) 1 ош қошиқ (болалар учун 1 чой қошиқ) ва 2 ош қошиқ унни олиб, қайнаган сувда ҳамир корилади. Ҳамирни латтага кўйиб, оғриғ жойига ўсимлиғи ёғи суркалди. Сўнгра латтадаги ҳамирни касал жойга яхшилаб кўйиб, устидан жун рўмол билан боғлаб кўйиш керак. Шундай хонда то эрталаб-гача тутиш лозим. Коидага кўра, эрталабга бориб, зиркираб турган оғриқдан асар ҳам қолмайди. Лекин шуни унутмангки, бу компрессни факат ўйкуга ётиш олдидан қилинади.

Вазирахон

Наманган



Тоғтерак пўстлоғи циститга даво

Шу йил меҳнат таътилида тоғда дам олдим. Муздай тоғ дарёсида узоқ чўмидим. Шу-шу циститга чалиндим. Вуҳудимда шундай иситма турдик, бутун тана аъзоми аланга-оташ бўлиб ёнарди. Шунда мен куйдигача тайёрланадиган қайнатма ича бошладим: **2 ош қошиқ тоғтерак пўстлоғини майдалаб (куртак-баргларини ҳам кўшса бўлаверади), устига бир стакан қайнаган сув кўйилади. 10 дакиқа қайнатилади. Сўнгра уни ўраб, ярим соат дам едирилади.** Сўнгра қайнатмани сузгичдан ўтказиб, қунига уч марта, 2 ош қошиқдан ичилади.

Бу жуда кучли дори экан. Чунки орадан бир кун ўтиб, мен дарддан холос бўлдим.

Марварид
Хоразм



Лавлаги томокни даволайди

Ангина ва сурункали тонзиллитни янги лавлаги шарбат билан даволаш усуси жуда яхши натижга беради. Мен мазкур дорини мана бундай йўсунда тайёрланман: **жуда майда киргичдан лавлагани ўтказман-да, докада сикиб сувини оламан.** Бу дори воситасини тайёрлаш учун кийин эмас, лавлаги жуда сувли, илдизли ўсимлик-да. Томокни лавлагининг янги шарбати билан чайиш ҳам мумкин, уни ярим-ярим қилиб сув билан арапаштириш ҳам бўлади. Бу дори ҳеч кимга зарар кильмайди, аксинча, яхши фойда беради. Менинг 6 ёшли ўғлим лавлаги билан оғиз-томок чайшини жуда яхши кўради. Ўзим лавлаги шарбати билан сурункали тонзиллитни даволадим.

Хўжанийз

Тўрткўл



Панкреатит-дан кутилинг

Ўтган йили ёзда мен сурункали панкреатитдан холос бўлдим. Бунда менга куйидаги усуслан фойдаланишнинг кўл келди: **бир килограмм данакларидан тозаланган, бироқ териси арчилимаган лимон, 300 гр. петрушка ва 300 гр. саримсоқ пиёниш гўшт майдалагичдан чикардим. Ҳосил бўлган арапашаша кунинга уч марта, овқатланиши 15 минут колгандан, 1 чой қошиқдан қабул қилинади.** Яхшиси, бу дорини ертут барглари, ловия кўзоги ва маккажӯори попугуни қайнатиб, бирга ичилса, фойда килади. Дамлама куйидагича тайёланади: **ерту барглари, ловия кўзоги, маккажӯори попугидан тенг-баравар (ҳаммаси 1 ош қошиқ бўлиши керак) олинади ва устига бир стакан қайнаган сув кўйилади.** Кейин уни бир кечга термосга дамлаб қолдирилади. Бир стакан қайнатма уч марта муолажа учун етади.

Жамила

Тошкент

Соч тўкилса...

Вақти келиб, бирдан сочларим тўкила бошлади. Якин ҳатто дугоналарим кўринишум унча яхши эмаслигига ишора ҳам килишди. Соч тўкилишининг олдини оладиган бир канча киммат баҳо воситалар сотиб олиб ишлатдиган ҳам, нафи тегмади. Мана шундай кунларнинг бирорда менга бир киши хаљуна усулни айтиб колди. Бунинг учун, конъянкнинг бир кисмини олиб, сузгичдан ўтказилган тўрт кисм пиёс шарбати, чакамуғ (кўй тиканак) илдизи қайнатмаси билан арапаштириш керак экан. Бу арапашшани бош терисига суркаш, кейин бошни сочиқ билан ўраб, 2 соатча юриш ва сўнг уни ювиб ташлаш зарур. Бу муолажани то соч тўкилиши тўхтагучча таракорлаш керак.

Ойгул

Сирдарё

Сирдарё

Сирдарё

Самбитетол куч бағишлидай

Оғир дард билан хасталанган ва тушакда узоқ вақт михланиб ётган кишилар соғая бошлаганларидан кўпинча оёқларидан мадор кочади, қадам ташласалар, оёқларидан титроқ сезадилар. Бундай ҳол кўччилик кишиларга таниш. Бир дугонаминг онаси ҳам шундай дардга чалинган, иккى ойларча касалхонада тушакка михланиб ётган ва ниҳоят касалхонадан уйга чиқаётганида то машинагача ҳам аранг етган. Уйга етганда эса бир неча кишининг кўмаги билан зиналардан кўтарилиган. Ўшандада дугонам кимнингдир маслаҳати билан онасининг оёқларига самбитетол илди-зини қайнатиб иссик ванна килган, яъни онаси самбитетол илди-зи қайнатмасига оёқларини солиб ўтирган. Бу муолажани ҳар оқшом-тахминан ярим соатларча таракорлаган. Ўшандада дугонам онасининг оёқларига мадор кирганини, мўъжиза юз берганинг гувоҳи бўлган! Онаси ҳозир кечкурунлари кўчада ўзи, ҳеч кимнинг ёрдаминосиз сайд қилиб келар ва ҳаттохи, дўконга рўзгорга керакли майда-чўйда учун ўзи чиқар, неварасини бөгчадан олар экан.

Муқаддас

Сирдарё

Нафасим қис-масин десангиз

Мен ҳозир сизларга ҳикоя қиласидиган во-ситадан фойдаланган кишилар, ҳаттохи, бир зина ҳам кўтариолмай, ҳарсиллаб қоладиган қариялар ҳам бемалол бирпас тин олиш учун тўхтамай тепага чиқаверади. Бу рецепт астма-бўғма дардига чалингларда ҳам ёрдам килади. Мен айтадиган йўсун мана бундай: **1 дона лимон ва 10 баш саримсоқ олининг. Буларни гўшт майдалагичдан чикаринг ва уни бандаги бир литр асал билан арапаштиринг. Кейин банканинг оғизини ёпиб, бир ҳафтагача сақланг.** Банкадаги ҳосил бўлған модда тингач, ундан ҳар куни ётиш олдидан қабул қилинг. Уни аста-секинлик билан, шошилмасдан, 4 чой қошиқдан ичинг. Сиз даволаш курсини бошладингизми, уни бирон кун ҳам кандо қилманг, ичиши унутманг. Тайёрланган арапашшани тахминан 2 ойга этиши мумкин. Арапашшани қабул қилишнинг яримига етганингиздәёқ, нафасингиз кисиши анча колади, ишонинг.

Норигит

Термиз

Қовуғингиз бўш бўлса, давоси бор

Мен айтадиган муолажа қовуғи бўшаб қолган, сийдик тутолмай қолган кишиларга жуда ёрдам беради. Бунинг учун: **бир чой қошиқ зайдутун мойинин олининг-да, унга янга саримсоқ лиёс шарбатини арапаштиринг. Сўнгра унга 150 гр. қайнаган сув кўйинг. Ҳосил бўлған бу арапашшадан овқатланишидан 15 дакиқа олдин кунига 3 мартадан ичинг.** Ҳар сафар бу дорини қабул қилишдан олдин янгисини тайёрлаб қўйинг. Дорини токи тузалиб кетгунингизгача қабул қилинг. Сийдик тутолмаслик асосан оқшомлари рўй берадиган бўлса, яхшиси, соат кечки 18дан сўнг суюқлик имчасликка ҳарарат килинг.

Содикжон

Андижон



М. АХМЕДОВА тайёрлади.



ПАРХЕЗ ҚИЛИБ ОЗИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Бир йилда хеч бўймаса бир марта пархез қилиш жуда фойдали. Агар инглиз коидларига қатъый амал киссангиз 5 кгдан 10 кг.гача озишингиз мумкин.

Биринчи кун умуман овқатланмаслик керак.

Иккинчи ва учинчи кун камроқ овқатланинг. Яхшиси, кундузги сут, қатъик маҳсулотларининг ўрнига бир стакан помидор шарбати билан иккى бўлак кора нон истемоъл қилинг.

Тўртинчи ва бешинчи кун организ-

мингизни оқсиллар билан тўлдиришининг айни пайти. Эрталабки нонуштага бир стакан сутли қахва, бир бўлак кора нон, бир қошик асал ва сарёй. Тушликка эса бир стакан гўшти шўрва, бир бўлак пишган гўшт, бир бўлак ёғисиз тоvuқ ёки балик. Чошгоҳда - бир стакан сут ёки асалли чой. Кечки овқат учун эса бир бўлак қайнатилган ёғисиз гўшт, балик ёки 2 та тухум, 50 гр. ёғисиз пишлок ва бир бўлак кора нон истемоъл киссангиз кифоя.

Олтинчи ва еттинчи кун факат сабзавот ва меваларга ўтасиз: эрталаб 2 та олма. Тушликка сабзавотлардан тайёрланган шўрва, салат

ёки винегрет ва бир бўлак кора нон бўлса, чошгоҳдаги овқат эса иложи борича цитрус меваларини ташкил қилиши керак. Кечки овқатга бир бўлак кора нон билан салат ҳамда бир стакан қандсиз чой ичиш тавсия қилинади.



Буржнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Планета: Меркурий

Баҳт келтирувчи рақам: 5 ва барча 5 га бўлии нувчи рақамлар.

Рамзи: Эгизаклар

Ранглари: Куёш ранги, пушти, оч сарик, кулранг, ҳаворанг аралаш ва бинафша ранглар.

Гошлари: Зумрад, сафир, ҳақик.

Омадли кунлари: Чоршанба ва якшанба.

Омадсиз кунлар: Лайшанба.

2004 ЙИЛ УЧУН МАЪЛУМОТ

Янги йилнинг биринчи чораги эгизак буржидагилар учун ўз-ўзини алдаш ва эзгин кайфиятда ўтади. Фақат 21 марта баҳорхон тенг кунлик кўпгина эгизакларда қатъиятили фикрин туғдидари. Бу хол айниқса, май ойида туғилган эгизакларда кўпроқ кузатилиди. 6-30 апрел кунлари асосин ишлари одатдагидан қўйинроқ кечиши мумкин. Бироқ, май ойининг ўрталарига бориб, бъазиларда эса ион ойининг бошларидан бошлаб омадли кунлар бошланади. Хатто иол ойи ҳам моддий манбаатдорлик масалаларини хал қилиш билан ўтади. Бу масалани ечишда узоқроқ қариндошларнинг кўмаги аскотиши мумкин.

Моддий масалалар юзасидан хизмат сафарларида ҳам бўлишилар кутилаяти.

Мунахжимларнинг фикрича, яхши натижаларга еришиш учун оддиндан кўп маротаба синаланг йўл-йўрикдан фойдаланиш, ишларни ривожлантиришлари керак. Айниқса, ҳунармандлар ота-боболаридан қолган қасдасдан фойдалансалар ишлари юришиб кетади. Август ойига бориб ҳар хил сафарларга чиқишлари ортади. Бунинг натижасида янги ҳамкорлари пайдо бўлади. Куз ойларининг бошларига келиб мағлаб томондан қўйиалиб қолишлари мумкин. Бу даврда турмуш курмаганлар ҳақиқий севгиларни топишлари, ижодий меҳнат билан шугуланувчиларнинг ижодий фаoliyati яхшиланиши мумкин. Декабр ойига бориб бошлаган янги ишларига бошлари билан шўнгигб кетадилар ва ўзлари учун фойдали бўлган, янги имкониятларни топадилар.

КУЧ-КУВВАТ МАНБАИ



Эгизак буржидагилар асал ва асал аралаштирилиб тайёрланган барча озиқ-овқатлардан куч-кувват оладилар. Куз ойларида асал уларнинг таналарини ҳар хил касалниклардан, айниқса шамоллашдан асрайди. Биргина асалдан олган кувватлари шу дараҷада кучлики, ҳатто, ҳар қандай ширинликнинг ўрнини боса олади. Асал уларнинг асабаларини тинчтитади, таналарини кўркемлаштиради. Бу бурждагиларга бир кўзача асал совфа қўлсангиз, бу билан унга олам-олам кувват берган бўласиз.

ЭГИЗАК ФАРЗАНДЛАР

Бу бурж остида туғилган фарзандлар ўз отоналарига анча ташвиш келтириб, ҳәттларини осуда ўтишига қўймайдилар. Уларни чидам билан эшиштиш ва ҳамма айтганларини килишнинг ўзи бўлмайди. Сабаби, бу бурж болаларининг миясига бир нечта фикр бирданнага келиб колади. Ўта ҳаракатчан, ўзларига кўйиб берсангиз, фақат тунги ухлашга ётгандагина тинчидилар. Жуда хушчақа ва тезда дўстлашиб кета оладилар. Мактабда дарс пайтлари ҳам қимирлаб ёки гапириб ўтирадилар. Бундай пайтлари уларни тинчгина ўтиришига мажбур қилишнинг ўзи бўлмайди. Ундан ташқари, эгизак буржи остида туғилган болалар

барча эшигтан, кўрган-билигларини тезда унтиб ўборадилар. Айниқса, дарсда ўтганларини эслай олмайдилар. Ҳатто ёд олган шеъларини ҳам унтутиб юрадилар.

Нимани ёқтиради?

Эгизак буржидагилар кенг, баҳаво уйларни ёқтирадилар. Аксинча, тор уйларда сикилиб, асабийлашадилар. Яхши китобларни, чиройли буюмларни жуда севадилар. Кўпчилик эгизаклар туни кун телевидение кўрсатувчиларини кўришдан чарчамайдилар. Таналаридаги энг сезигир ва охиз аъзолари қўллари, айниқса, кафтлари ва тиллари хисобланади.

Эгизак буржидагилар ширинликларга хушлари йўрок. Лекин, ҳар хил турдаги овқатларни жуда яхши кўрадилар. Ҳеч бўлмагандан, бир марта табиб табиб кўриш ҳам уларга ҳузур бағишлади. Овқатланиши пайтида сухбатлашиши жуда севадилар. Бу йил, айниқса, тухум, ёнгок, сузмадан кўпроқ тановул қилишлари лозим.

ЭГИЗАКЛAR (21 МАЙ-21 ИЮН)




Севги ва оиласвий ҳаётда

Эгизак буржидаги туғилганлар доим изланишида бўладилар, шу жумладан, севги-муҳаббат бобида ҳам. Жуда ўш пайтлариданоқ ўзлари учун жуфтиси ҳалол бўладиган кимсани излашга тушсалар-да, уни сочларига оқ оралаганда топишлари ҳам мумкин. Ахтаргранларни топгандагина тинчшилар жуда яхши яшашлари мумкин. Акс ҳолда, баъзи бровлари йиллар давомида ўз севгиларини ахтариб, топгандек бўлиб, сўнг ахраши ҳам кетишлари мумкин. Бу буржда туғилган аёлларнинг кўпчилиги оила бузилиш дардини оғирлигина ўз бошларидан ўтказган бўлишиади.

Эгизак-аёлларга маслаҳат: ўз ташки қиёғанғизга доимий эътибор қилишнингиз яхши. Аммо базиб-базида пархез қилиб, спорт билан шугуланиб, қоматингиз хақида қайғурсангиз маъқулдир.

Оиласда баъзан муаммолардан безиб колсангиз, қариндошлар, дугоналар билан йигилишиб гап-гаштак килиб туринг.

Эгизаклар буржи остида туғилган ёркаклар севги борасида қатъиятили, журъатли.



ДИД ВА ЛИБОСИ

Эгизак буржидаги туғилганлар мұхим учрашувга бораётгандаридаги "Нима кийиш керак, қандай кийиниш керак?", - деган саволларга бир хилда жавоб берисилари яхни, кундаклик одатланган фасонлары ва соч турмаклашлар билан ҳам бориши мумкинлигинин инкор этмайдилар. Лекин, мунахжимлар фикрича, даврада ягона бўлиб, барчанинг эътиборини ўзларига қаратишга эришишларидаги классик услугда тикилган костюмлар уларнинг хуснларига хусуси бағишларкан. Ҳатто ҳар хил безак ва тақинчоқларнинг ҳам жохати йўқ. Фақат қоматлаштириб тикилган жун матодан ёки пахта ипидан тайёрланган костюмлар ёки кўйлаклар бўлса бўлгани. Айниқса, кора ва кўк ёки кизил-оран гланлар араплаш бўлган матоҳлардан тикилган кийимлар эгизакларнинг хуснини оширади.



КОРБОБО НИМАЛАРНИ БАШПОРАТ ҚИЛАДИ?



Кадимдан қорлар ўлкаси Скандинавияда Янги йил оқшомида оппок қордан қандай қор одам ясаларига қараб тақдирлари ҳакида башорат қилишган. Бунинг учун таклиф этилган меҳмонларнинг ҳар бирлари ҳовлидами, боғдами қордан корбобо ясалган.

Корробоси катта ясалган ки-

шини келгусида тўкинлик ва омадли ишлар кутган. Корбобосининг боши катта ясалган бўлса, бу одам келгусида ўз яқинларининг энг доно маслаҳатчисига айланади. Корбобони бир текис ва силиқ қилиб ясалган кишининг эса севги-муҳаббат борасида омади чо-пар экан.



Буржнинг ўзига хос хусусиятлари

Планета: Ой.

Бахти ракам: 2 ва 2 га бўлинувчи барча рақамлар

Рамзи: Кискичбака

Ранглари: Окиш пушти ранг, кумушсимон, окиш яшил ва окиш қизил ранглар.

Тошлари: Опал (ялтирик тош), ой тошлари.

Омадли кунлари: Душанба ва пайшанба.

Омадсиз куни: Сешанба ва шанба.

2004 ЙИЛ УЧУН МАЪЛУМОТ

Йилнинг ярмиси кискичбакалар учун бир-бираiga ўшаган воқеа-ходисаларга бой тарзда кечади. Ҳатто кўнгиллари озор чеккан пайтлар ҳам бўлади. Бу хотални ионнинг бошлирида тугилганлар тезроқ ўз бошлиридан кечиришлари мумкин. Бироқ, ой ярмиси ўзлари учун керакли ва кераксиз бўлган нарсаларни аниқлаб оладилар.

Базын бир бошлаган ишлари январ ва феврал ойларида битмаган бўлса, яхшиси undай ишлардан воз кечишлари тавсия этилади. 6-16 июлда туғилганларнинг март, апрел ойларида ишлари юришмаган бўлса, май-иён ойларида ҳам ўнгланиб кетмаслиги мумкин. Лекин, нима бўлгандага ҳам

барча кискичбака бурждагилар учун ёз ойларида омад кубиб бокиши, ишлари ва ҳаётлари яхшиланниб кетиши мумкин. Шунинг учун, иложи бўлса, таътилга ҳам чикмасдан ишлашлари тавсия этилади.

Август ойидан бошлаб, айниқса, сентябр, октябр, ноябр, декабр ойларида кўргина ишларини қўйинчилик билан амалга оширишлари кутилади. Бунинг натижасида ҳаётдан оладиган куч-куватлари бир мунча сустлашиши мумкин.

Кискичбакалар, ўз куч-куватларинингизни йил бошидан юнги ишларга, тадбирларга чоғлаб олинг. Шундай кайфиятда бўлсангиз ҳаётнинг кутилмаган зарбаларидан голиб келасиз. 2005 йил кириб келиши билан эса омад ва муваффакиятлариз томонда бўлади.



ҚИСҚИЧБАҚА

(22 ИЮН - 22 ИЮЛ)

Севги ва оилавий ҳаётда

Кискичбака бурждагилар барча буржлар ичда энг нозик таъбиъи ва кўнгли юмшоқ ҳисобланышади. Шу ҳарактерлари туфайли ўсмирик пайтаданоқ афсонавий севгини орзу киладилар.

Бу бурждаги эррак ва аёллар биринни севгиларидан адашмасалар, жуда ажойиб оила кура оладилар. Агар нимадир кўнгилдагидек бўлмаса, турмуш ўртоқларига нисбатан жуда совук муносабатда бўлиб, ҳар нарсага асабийлашибган бўладилар. Ёшлар ўтган сайн кўп нарсаларга талаблари ошиб боради.

Үйдаги мухит кўнгилларидагидек бўлса, жуда муйлним ва меҳрибон инсонга айланаби борадилар.

Кискичбака - эрқакларга маслаҳат: агар сиз бу йил бўлаҳак ёрингизни топган бўлсангиз, унга нисбатан меҳрумұхаббат билан ёндошишинг, ортиқча талабчан бўлманг. Юлдузлар тақдир йўлнинг тўғри эканлигини башорат қилишяяти.

Оиласи қискичбака-эрқаклар эса хонимларига нисбатан хурмат муносабатида бўлсалар, ҳаётлари



ДИД ВАЛИБОСИ

Муҳим бир учрашувга отланадиган қискичбакаларда: "Нима кийсам экан?" - деган савол пайдо бўлганида, бошқаларда яхши фикр қолдиришга тўғри келганида ҳам, ҳар кунги одатланган кийимларини кийишни ва одатий соч турмаклашни афзал кўрадилар.

Кора ёки бирор-бир тўқроқ рангдаги либосни коматга мослаб узун қилиб тикитириб кийишиша ва шу либосга мос бош кийимда, туфли ва сумкада



юрсалар, бу қиёфа, ўзгалилар назаридаги, улар кадрини яна ҳам оширади.

Нимани ёқтиради?

Үй шароити улар учун жуда катта аҳамиятга эга. Ҳар хил қадимий ва ноёб нарсаларни ёқтирадилар. Ҳатто бирорлар учун кераксиз бўлиб туюлган нарсалар ҳам улар учун қадрли бўлиб, завқ ола билалас, ўз уйлари кадрдан дир. Ана шу қальядаги бирор

нарсанинг возанати бўзилса, кўнгиллари синиб, озор чекадилар.

Энг нозик жойлари - кўкрак қафаслари ҳисобланади.

Севган овқатлари балиқ каби ҳар хил денгиз маҳсулотлари. Ундан ташкири, қискичбакаларга кўпроқ сут, тұхум, қарам, ковок ва ҳоказоларни истемол қилиш тавсия этилади. Улар тез-тез, аммо кам-кам овқатланишлари керак. Ялпизли чой соглигини мустаҳкамлайди. Духовкада пиширилган гўшт ва сабзаболлар улар учун жуда фойдалидир. Мевалардан салатлар тайёрлаб ейишдан эринмасликлари зозим.

Дилбар ва Л. АХМЕДОВА
тайёрлашиди.
(Давоми бор)



ҚИСҚИЧБАҚА ФАРЗАНДЛАР

Жуда нозик табиатли бўлишади. Үйдаги илик мухит уларга яхши таъсир этади. Агар мухит ёмон бўлса ёки ота-оналари бўлар-бўлмасга жанжаллашиб туришса, боланинг кўнгли чўкиб, инжик бўлиб қолади.

Бу бурж болалари ёлғиз ўйлаб тошиб, мазза қилиб ўйнай оладилар.

Ҳаёлан эртак қаҳрамонларидан бирига айланоб олиб, ўзлари билан ўзлари гаплашиб ўйнайверадилар. Қискичбака бурждаги фарзандни тарбиялашади ота-оналари ҳамиша унинг кўнглига ҳам қараш кераклигини, тартиби чакириш ёки эркалашнинг ҳам ўз меъери борлигини унунтасликлари керак.



КУЧ-КУВВАТ МАНБАИ

Қискичбакаларга күшлар овози ажойиб кувват бағишлади. Чарчонки сезишлари билан ўрмонгага, ҳайвонот боғига бориб күшлар овозини эшишсалар, мазза киладилар. Ҳеч бўлмагандан, уйда турли ҳил күшларни боксалар, уларнинг чуғурчуғурлари остида ҳамиша тетик ва бардан бўлиб юршилари мумкин.



2004 ЙИЛ МАЙМУН ЙИЛ: КИМНИ КИНАДАЙ СИЛЛАДИ?

ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ АТРОФИЛАГИ ЎЙИНАР

Янги йил - янгиланиш ва орзу умидлар байрами. Айниқса, болалар учун энг севимли байрам. Ахир Қорбобо уларга йил давомида орзу қилиб кутган энг севимли ўйинчоқларини ёки бошқа бир ажойиб совғани ҳада қиласди.

Янги йилни кутиб олишига тайёрланаётган ота-оналар, бобо-бувила, бу байрамнинг болалар учун қанчалик аҳамиятига эга эканлигини унтаасликлири керак. Болажонлар бу байрамни арча ўйинлари, Қорбобо ва Қорқизнинг совваларисиз тасаввур қилолмайдилар. Шунинг учун, иложи борича, кичкинтайлар шодлигига шодлик күшувчи совваларни сөхрли тарзда тайёрлаб тақдим этишин унутманд. Биз куида болажонларга жуда ёқадиган тарзда байрам ўтказиш тартибларидан айримларини келитирамиз.

ТОПИЛМА- БОЛАЛАРНИНГ ЎЗИГА СОВФА

Болаларга байрам тадбирини тайёрлайтишкан катталар учун кизикарли ўйинларни кўрсатиш ҳеч ҳам қийин эмас. Арча, Қорбобо, Қорқиз ҳажадига қўшиклар, айниқса, кўзларини бойлаб ўйналадиган топишмок ўйинлар уларга жуда ёқади. Масалан: конфет, апельсин, олма ёки бошқа шу каби буюмларни кўзи бойлаган болаларга лайласлаб нима эканлигини сўраб, тўғри топганда, ўзига совфа килиш жуда ёқади. Албатта бу ўйинда хонада болалар канча кўпчилик бўлиша, шунча кизикарли чикади. Ёки "Ким энг чиройли қилиб Қорбобонинг суратини чиза олади?" - деган ўйинда суратлар чизилиб бўлингач, ҳаммасини деворга ёпишилган кўйиб, энг яхшисини аниқлаша ва мукофотлаш ўйини ҳам ёмон эмас. Ёки болаларга фотоаппарат бериб, ҳаммани арча ёнида Қорбобо билан суратга тушириш ва ҳоказолар уларга жуда ёқади.



ЭНГ СЕВИМЛИ ТОМОША

Маътил пайтида барча театрларда, айниқса, кўғирчик театрларидан болажонлар учун оламолам қувонч бағишлайдиган арча байрамларидан ташкари, ажойиб эртаклар оламига саёхатга чорловчи спектаклар ҳам намоноши этилади. Бу спектакларнинг болалар тарбиясида аҳамияти жуда ҳам муҳим бўлиб, болалар ўзлари учун кизикарли ва фойдалари бўлган ажойиб бир олами кашф этгандек бўладилар.

ХАРФЛАР ЎЙНИ

Фарзандингизга алифбеда ҳарфларни осонгина ўргатиш учун ҳам ҳар хил ўйинлардан фойдалансиг бўлади. Бунинг учун кейинги йиллар кўлланлаётган ва ўзингиз фарзандингиз учун кизикарли деб ўйлаган усуслан Фойдаланишингиз мумкин. Масалан: А ҳарфини кўрсатиб, анор меваси ҳакида гапириб, унини қанчалик ширин ва фойдалари эканлигини айтсангиз-да, болангизга анор берсангиз, бу унинг эсидан ҳеч қачон чикмайди. Ёки О ҳарфи учун олма, шунингдек, Э ҳарфи учун этикни, унинг қанчалик иссиқ ва ажойиб эканлигини гапириб бериш билан ўнга ҳам ҳарфни, ҳам фойдалари нарсаларни ўргатган бўласиз. Бу ўйин фарзандингизга албатта ёқади.

КОРБОБО ДАДАМНИНГ ЎЗИ!

Хар бир хонадонда болалар арчаларни катталар ёрдамида хурсандчилик билан тузатишлари лозим. Xона шарлар ва ёмғирни эслатувчи ялтироқ узун лентасимон иплар билан беатилиди. Xона Қорбобо келишига тайёр бўлгач, ҳар кандай болажоннинг қалби шодликкалиммо лим тўлади. Ниҳоят байрам бошланади. Совға-саломлар билан эшикдан кириб келган Қорбобонинг кўзлари дадаларининг кўзига ўхшайди. Совғалари эса болалар анчадан бери орзу қилиб юрган ўйинчоқларнинг худди ўзгинаси бўлиб чиқади. Бир олам шодлик болаларни ҳам, катталарни ҳам ўз бағрига олади. Хатто холаганлар Қорбоболарни четдан ҳам чақиришлари мумкин. Бирор, ота ёки бобо Қорбобонинг келишига нима етсин, чунки у ҳар бир боланинг исмини, кимлигини ва нимани хоҳлашини жуда яхши билади, уларнинг кўнглини ҳам ола билади.

Агар болаларингизни театрга олиб боришнинг иложи бўлмаса, заари йўк. Уйда ҳам болалар учун ўзингиз спектакл кўйиб беришингиз мумкин. Бунинг ўнун ўйинчига бирор бир бурчагига парда тутиб кўйиб, айик, тулки, кўй ва ҳоказо ўйинчоқларни парда устидан кўрсатиб, уларни кимирлатиб бирор бир эртакни ўзлари гапириб беришилар мумкин. Кичи ўшдаги болакайлар уларнинг кўнглини ҳам ола билади.

БАЙРАМ МУШАКЛАРИ

Янги йил байрамини болалар мушакларисиз тасаввур қиломайдилар. Шундайдан, нима килиш керак? Якка ягона ракета ёки пакиллаб ёрилувчи пакилдилар аллакачон ҳамманинг фашига тегиб бўлган. Бундай пайтида ҳар йили байрам тантаналаридан маълум бир жойда отиладиган катта, чиройли мушаклардан баҳра олиш учун, фарзандларнингизни яхшилаб кийинтириб кўчага олиб чикасиз, мушаклар отиладиган жой яқинига олиб келиб, бу томошани унга кўрсатасиз. Ишонинг, бу мушаклар фарзандингиз учун безара бўлиб, оламолам хурсандчилик баҳш этди ва бу хурсандчиликни йиллар давомида унтумасдан, энг баҳти онларидек эслаб юради.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

Байрам яқинлашган сайн ҳар бир йўл бекаси ўз дастурхонини бирор бир ажойиб таом билан бойитишни ўйлай бошлигади. Тайёрланадиган таом ўз навбатида жуда мазали бўлиб, кўп вақти олмаса айни кўнгилдагидек бўлади.

Тайёрланган соусни гўштнинг устидан қўйиб ёки гўшти со-

усга ботириб истеъмол қилиш мумкин.



МАЙОНЭЗНИ

ЎЗИНГИЗ ТАЙЁРЛАНГ

Байрам дастурхонини кўнгилдагидек ту замо қчи бўлган ҳар қандай ҳар бекаси албатта, биринчи навбатда бир неча хил салатларни тайёрлашга шошилади. Салатни тайёрлаш ва унинг мазали таъмини бенуқон қилиш учун албатта майонез керак бўлади.

Майонезни ўй шароитида ўзингиз ҳам тайёрлашингиз мумкин.

Уни қўйидагича тайёрлаш мумкин:

2 дона хом тухумнинг саричарини ажратиб олиб, сирли, чинни ёки шиша идишига соламиз (металда идишида сифати бузилиди). Горица кукунидан бир чой қошик, ярин чой қошик майдаланган кора мурч ёки кизил қалампир кўшиб чўп қошик ёрдамида аралаштирамиз. Араплашира туриб 2 томчи лимон шарба-

тини ва қиздирилган сиркадан томизамиз. Унга чорак стакан ўсимлик мойининг (зайтун, кунгабокар, жўхори) ва ҳоказолардан бўлган тозаланганидан секин-аста қўшиб аралаштирамиз. Араплашма бир хил рангли тус олганидан сўнг яна икки томчи лимон шарбатидан қўшамиз. Яна чорак стакан ўсимлик мойиндан қўшиб аралаштирамиз. Сўнгра яна икки томчи лимон шарбати ва ярим стакан ўсимлик мойиндан бир стаканга етгунича қўшамиз. Яхшилаб араплашгандан сўнг майонез тайёр бўлади. Ўзингиз тайёрланадиган майонезни таъминизга кўра салат ва овқатга қўшиб истеъмол килсангиз, ҳам фойдали, ҳам мазали бўлади.

Сахифани Л.АХМЕДОВА
тайёрлари

Ана шундай таомлардан бирини кўй гўштидан тайёрлаш мумкин. Бунинг учун кўй гўштининг иккала орқа ёғидига юмшоқ ва катта кисмиси ташланади. 2 дона саримсоқниэз, туз, майдалан-

бекитиб, дувхокага ёки микроволнни печа ичига кўйилади. Ҳар 20 дакика қадан сўнг

КЎЙ ГЎШТИДАН АШОЙИС ТАСМ

ган кора мурч, 50 гр. эритилган гўшт бўлаклари ювилади ва яхшилаб куритилади. Саримсоқниэз тозаланмайди, майдалаб тўғралади ва гўштига яхшилаб суртилади. Шундан сўнг гўштига туз, мурч яхшилаб суртилади. Кизиган ёғга гўшти солиб, баланд оловда қизартириб олинади. Сўнгра дувхокага пишириш учун мўлжалланган ишигла солиниб, устидан ёки кўйилади, унинг устидан яна бир неча қошик шўрва ҳам соилинади. Гўштнинг устини фолга (ялтироқ намлини ўтказмайдиган қофоз) билан давомида қайнатиб олинади.

Гўшти ўрнини алмаштириб ва устидан кошиқ билан шўрвадан қўйиб турилади.

Дастурхонга қайнатилган гўштига зиравлор билан тортилади. Уни маҳсус тайёрланган соус билан истеъмол килиш ҳам мумкин. Апельсинни соус энг яхши бўлиб, у кўйидагина тайёрланади:

Бир дона апельсин олиб, ювилиб, пўстидан тозалангач, киргичдан ўтказилади ва шарбати докадан ўтказиб олинади. Шу шарбатга шўрва, 0,5 литр оқ вино ва 2 чой қошик кўюклантуривчи маҳсулотдан солиб, 5 дакика давомида қайнатиб олинади.

Бир қошик кизил қалампир кўшиб чўп қошик ёрдамида аралаштирамиз. Араплашира туриб 2 томчи лимон шарба-

тини ва қиздирилган сиркадан томизамиз. Унга чорак стакан ўсимлик мойининг (зайтун, кунгабокар, жўхори) ва ҳоказолардан бўлган тозаланганидан секин-аста қўшиб аралаштирамиз. Сўнгра яна икки томчи лимон шарбати ва ярим стакан ўсимлик мойиндан қўшиб аралаштирамиз. Сўнгра яна икки томчи лимон шарбати ва тайёрланадиган майонезни таъминизга кўра салат ва овқатга қўшиб истеъмол килсангиз, ҳам фойдали, ҳам мазали бўлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамгармаси ва «Софлом авлод учун» Халқаро жамгармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган кўлёзмалар таҳжил килинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб килинмайди.

Газетадан кўчириб босилгандага «Оила ва жамият»дан олинганиллиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, ёзлонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Газета «Шарқ» нашриётматбас компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йд.
Босиша топшириш вақти - 20.00
Босиша топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилид ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»

Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 ракам билан рўйхатта олинган. Буюктар Г - 140. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ. Адади - 17298
Сахифаловчи - А. ТОХИРОВ.
Рассом - Ш. ЖУРАЕВ.
Навбатчи - Х. ХОТАМОБЕОВА.
Мусахиҳ - С. САЙДАЛИМОВ.